



Ибрат

"Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак наслар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади..."

Чиноз туманида Оила кун муносабати билан вилоят, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жа-

моат фонди туман бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган "Ибратли оилалар" иштирокидаги кўриқ-танлов, кўнгили учрашув мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, одамийлик сабақларини тарғиб этувчи намунали хонадон соҳибларига бағишланди. Унда тумanning "Наврўз", "Расул-обод", "Богбон", С. Раҳимов, Ҳамза каби маҳаллаларида истиқомат қилувчи оилалар қатнашди.

билан фахрланади. Тўнғичи Азизжон олийгоҳни битириб, Ўзбекистон темир йўллари алоқа бўлимида ишлайди. Уртанчаси Улугбек жисмоний тарбия институтининг 4-босқич талабаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқаро тоифадаги спорт устаси, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони, Жаҳон чемпионати совриндори. Кенжатоғи Санжар эса Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи талабаси.

Танловда "Энг ёш оила" йўналиши бўйича иштирок этган Бекоз ва Дилноза Соатовлар "Наврўз" маҳалласида оқил, доно оила соҳиб, меҳр-оқибатли ўғил, шушмуомала, саранжом-сарришта келин сифатида муносиб хурматга эга.

Танловда иштирок этган барча ибратли оилаларга фахрий ёрлик, совга-саломлар топширилди. Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиларининг миллий қадриятларимизни тараннум этувчи чиқишлари тадбирга ўзгача фойда бағишлади.

Оила кун тадбирлари вилоятимизнинг бошқа шаҳар-туманларида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. **Сайёра РИХСИЕВА**, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири, **Еркебой БОТИРОВ** олган суратлар.

Қишлоқ мулкдорлари

"Покиза М" фермер хўжалиги ҳақида газета-ларда кўп ва ҳўб ёзилган. У нафақат Оққўрғон тумани ёки Тошкент вилояти, балки республикадаги ҳар жиҳатдан мустаҳкам хўжаликлардан.

КЎПТАРМОҚЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП



Мана, 14 йилдирки, хўжалик раҳбари Малик Каримовнинг исми тилдан тушмай келади. Сабаби – 2000 йили хўжалик ташкил бўлгандек уруғлик пахта ва галла етиштириш вази фази топширилганда, ишонччи тўла оқлади. Ҳа йилиёқ хўжаликнинг экин майдонлари икки баравар кенгайтириб берилди. "Покиза М" 2001 йилдан буён 20 аъзоси билан уруғлик пахта ва галла етиштириш шартномаларини қанда қилмай, ортиги билан бажариб келади.

– Ишга бутун оиламиз билан астойдил киришганмиз, – дейди фермер. – Икки ўғлим доимо ёнимда. Саидқабар коллежни, Саидхаким молия институти битиришган. Қизларим Покиза ва Зухра, рафиқам Замирахон кундалик ишда бош-қош. Қолган аъзоларнинг меҳнати ҳам муносиб қадрланади. Қолаверса, ютуқларимизнинг асосий омилли техникамиз бутунлигида. Дон комбайнидан тортиб, ҳайдов, чопик, транспорт тракторлари ва бошқа барча механизмлар ўзимизники. Тўғри, уларни бирин-бирин банк кредитларига сотиб олганмиз. Бирок, қарзлардан вақтида қутулиб борганмиз.

"Покиза М" бу йил яна ташаббус кўрсатди. – Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан фермер хўжаликлари йириклаштириш ва кўптармоқлиги қилиш жуда тўғри иш бўлди, – деб гапирди давом эттирди Малик Каримов. – Биз ҳам имкониятларимиздан келиб чиқиб, қўшимча учта тармоқ-

ни ишга солаёямиз. Фермер бизни 90 сотихли янги иссиқхонаси билан таништирди. Салкам бир гектар иссиқхонанинг иккита секциясида бодирин пишиб ётибди. Қолган қисмига мўлжаллаб 550 тул лимон кўчати тайёрлаб қўйибди. Умуман, иссиқхона шундай қурилганки, ўтин билан иситилаверади. Иккинчи янгилик – ярим гектардан кенгроқ ташландик жой тартибга келтирилиб, рисоладагидек сув ҳавзаси ташкил этилиб, дўнгешона, сазан ва қарп балиқлари човқолари ташланибди. Шу йилнинг ўзида қанда 5 тонна балиқ олишмоқчи. Бу – бошланғич. Кейинчалик, балиқчилик ҳам хўжаликнинг асосий тармоқларидан бирига айланади.

Учинчи янги тармоқ – чорвачилик. Апрель ойида "Агробанк"дан 260 миллион сўм кредит олдиди. Голландиядан 34 бош голштейн зотли бўғоз гунажинлар харид қилиб келтирилди. Эрта-индин улар бузоқлай бошлабди. Молхона чет эл андозасида қурилган. Зооветеринария хизмати ҳам шу тартибда ташкил этилди. – Булар шунчаки, қўшимча тармоқлар эмас, – дейди фермер. – Вақти келиб, хўжалигимиз замон талабларига мос тарзда кенгайди. Бешта йирик тармоқ бирдек ривожлантириб борилади. Яна ўнлаб маҳаллий аҳоли муқим иш билан таъминланади.

**Абдусамд ЙЎЛДОШЕВ**, **Даврон АХМЕДОВ** (сурат), **"Тошкент ҳақиқати"** муҳбирлари.

ОИЛА СОҒЛОМ ЭКАН – ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМ

фидойилардан. Бугунги кунда уларнинг фарзандлари ҳам жамиятда ўз ўрнига эга, намунали, ибратли оилаларни бошқармоқда.

Исматулла отанинг ўғил-қизлари, невараларига уқтирадиган сўзлари, ҳаёт фалсафаси оддий: инсон имон-эътиқодли, инсоф диёнати, ироҳида қатъий турса, ўз Ватани, оиласига садоқатли, вафодор бўлади.

Астойдил меҳнат қилса, унинг роҳатини албатта кўради. Ҳамза маҳалласида

обрў-эътиборли хонадонлардан бири – Абдумажид ва Гулнора Алимовлар оиласи яшайди.

Меҳр-оқибатли, мулоҳазали ота-она оқ ювиб, оқ тараган "уч оғани бо-тир" ўғлонлари қамоли



Йўл қурилиши

КАФОЛАТ МУДДАТИ АСФАЛЬТНИНГ СИФАТИГА БОҒЛИҚМИ?

Дарвоқе, кейинги вақтларда яқиндагина асфальтланган йўллар тез ишдан чиқаётгани хусусида эътирозлар бўлмоқда. Хўш, ишда қандай хатоликларга йўл қўйилмоқда? Қурувчилар "Кўндан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида иш туттишяптими ёки бошқа сабаб борми? Биз Собиржон Комиловга шу савол билан мурожаат қилдик.

– Йўлларнинг сифати аввало асфальт қоришмаси таркибига боғлиқ, – деди у. – Асфальт заводлари кўп. Бирок, уларда тайёрланаётган хом ашёнинг ҳаммаси ҳам талабга жавоб беравермайди.

Вилоятда "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига қарашли учта асфальт заводи бор. Уларнинг махсулоти сифатли, ҳам арзон. Аммо Собиржон Комилов ва унинг қорхонаси сингари хусусий фирмаларга бу заводлар махсулот беравмайди. Асфальтни хусусий заводлардан олишга тўғри келади. Уларда асфальт анча қиммат. Боз устига сифати ҳам мундайроқ бўлади. Шу боис "Аср-тараққиёт" асфальт етказиб бериш юзасидан қайси хусусий фирма билан шартнома тузса, иш бошланган захоти Собиржон Комилов ўша фирма заводига шахсан ўзи бориб, асфальт қоришмаси қандай тайёрланаётганидан тортиб, юкланишига тепашида туради.

Кейинги вақтда маҳаллий аҳамиятга эга ички автомобиль йўлларини таъмирлаш учун катта маблағлар ажратилаяпти. Бу қувонарли ҳол, албатта. Аммо бундай буюртмалар эгаси бўлган ободонлаштириш бошқармалари бу ишни ўзи бажармай, тендер савдолари орқали хусусий фирмалар зиммасига юкляш билан чекланмоқда. Энг ачинарлиси, улар объектни қабул қилади-ган малакали мутахассисларга эга эмас. Собиржон Комилов эса бошқармаларда махсус

йўлсозлар биригаси бўлиши шарт, деб ҳисоблайди. Шунда йўлга қуриш ва таъмирлашга ажратилаётган маблағларни тендерда "ютиб чиққан" айрим хусусий фирмалар талон-торож қилмайди, аксинча ўз ўрнида сарфланади. Шаҳар ва туманлардаги айрим бошқармалар асосий вазибалари бир ёқда қолиб, бошқа ташкилотлар зиммасидаги юмушларни бажариш билан банд бўлиб қолаётгани ҳам бор гап.

– Бугунги кунда ободонлаштириш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи вилоят миқёсидаги бош бошқармага эҳтиёж сезилмоқда, – дейди Собиржон Комилов. – Булар менинг шахсий мулоҳазаларим. Нима бўлганда ҳам ободонлаштириш мақсадларига ажратилаётган маблағлар аниқ мақсадларга йўналтирилса, шаҳар ва қишлоқларимиз обод, халқимиз турмуши янада фаровон бўлади.

**Неъмат ДУШАЕВ.**

Маънавий-маърифий кеча

Республика Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Хотира ва қадрлаш куну му-

носабати билан Қўрай туманидаги "Navruz international corp" МЧЖда "Хотира абадий, қадр муқаддас" мавзюда маънавий-маърифий кеча ташкил этилди.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, "Нуроний"

жамғармаси ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамкорлигида



СЕВИМЛИ МАСКАН

Бекобод шаҳрининг футболсевар ёшлари "Ёшлик" спорт-соғломлаштириш мажмуаси ёнида, Сидраё соҳилидаги ташландик майдонда ҳашар йўли билан ўйингоҳ бунёд этдилар. Қисқа вақт ичида бу яшил майдон ёшларнинг сеvimли масканига айланади.

Яқинда янги майдонда "Ёшлик" жамоаси Бекобод туманининг "Зафар" жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Қизгин кураш остида кечган ўйинда майдон эгалари голибликни қўлга киритдилар.

Янги футбол майдонида ёз бўйи турли спорт мусобақаларини ўтказиб бориш мўлжалланган. **Каримқул МАВЛОНОВ.**

Салкам 40 йилдирки, туман электр тармоқлари идорасида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга гулчиликни ривожлантиришда рафиқасига биринчи маслаҳатчи, ҳамкор. Ҳалол касб-кор ортидан фарзандларини олий маълумотли қилишди. Бири ўқитувчи, бири энергетик, яна бири ҳисобчи.

– Гўзалликни севиш, ундан баҳра олиш осон, – дейди Равшан Олимжонов. – Лекин уни одамларга кўрсата билиш замиридаги меҳнатни ичида юрганлар билади. Аелим гул етиштириши фақат даромад манбаи эмас, балки юртни обод этиш, ҳаётимизни янада фаровон, ҳовли-ў қўчаларни гўзаллаштириш, деб биладиган тадбиркорлардан.

Ҳа, бир сўз билан айтганда, аёл – яратувчи, нафосат ва гўзаллик элчиси, хонадон фариштаси, фарзандларимизнинг сукули тарбиячиси... Бу таъриф Башоратхон Олимжоновга сингарини ҳар бир ишга фидойиллик билан ёндашувчи давримизнинг илғор ва фаол аёлларига ярашади. **Уҳрида МЎМИНОВА**, **Қобилжон ГОҒУРОВ** олган сурат.

Чорвачилик

Бугун фермер хўжаликлари нафақат деҳқончилик, чорвачилик ёки паррандачилик билан шуғулланипти, балки улар фаолияти кўп тармоқликка асосланган маълум бир тизим остида

шаклланиб бормоқда. Қисқа қилиб айтганда, фермер хўжаликлари ўзлари етиштирган хом ашёни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот билан маҳаллий ва хориж бозорларига чиқмоқда.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»: ҲАМ КЎМАКЧИ, ҲАМ МАСЛАҲАТЧИ

Фермерларнинг истиқболли лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, зарур молиявий мадад билан қўллаб-қувватлаб тижорат банклари фаолиятини эътироф этиш ўринли, албатта. Бу боғида "Ўзсаноатқурилишбанк" очик акциядорлик тижорат банки ҳам фермер хўжаликларига сифатли банк-молия хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банк томонидан ўтган йили фермер хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларчилик, боғдорчилик махсулотлари етиштиришни кўпайтириш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини янгиллаш, махсулотларни қайта ишлаш технологиялари сотиб олиш учун 24,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Албатта, ажратилаётган сармоялар фермер хўжаликлари фаолиятини жадал ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайин ортиб боришига, пировардида, халқимиз турмуши фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда. Бугун қўллаб-қувватлармон, фидойи фер-

мерлар банкимиздан кредит маблағлари олиб, катта ютуқларга эришаётир. – 2002 йилдан буён "Ўзсаноатқурилишбанк" билан ҳамкорлик қилиб келамиз, – дейди Қўрай туманидаги "Chinobod-Mirahmedov Shuhrat" фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Мираҳмедов. – Ўтган йили хўжалигимиз жамоаси билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 225 миллион сўм имтиёзли кредит сўраб, банкнинг Қўрай филиалига мурожаат қилдик. Филал маъмурияти қисқа вақт ичида зарур маблағни ажраттиди. Бу маблағга 31 бош йирик шохли насли қорамол сотиб олддик. Ҳозир хўжалигимизда боқилаётган чорва моллари сони 168 бошга етди. Уртача ҳар бир сигирдан бир кеча-кундузда 20-22 литрдан сут соғиб олинапти.

Банк кредит маблағи ҳисобига харид қилинган мини-фабрикада сут қайта ишланиб, аҳолига арзон, сифатли сут ва сут махсулотлари етказиб бериляпти. Дарвоқе, берилган кредит натижасида 8 киши иш билан таъминланди. Бугунги кунда хўжали-

гимиз кўп тармоқли фермер хўжаликлари билан бирига айлиниб, юқори натижаларга эришишида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг ҳиссаси катта. У бизнинг яқин ва доимий ҳамкоримиз, мададкоримизга айланган. Шунинг учун ҳам келгусида банк кўмагида қорамоллар наслини янада яхшилаш, кўпайтириш ва шу орқали янги иш ўринлари барпо этишни кўзлаёямиз.

Дарҳақиқат, "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТнинг келгусида ҳам фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга ажратиладиган имтиёзли кредитлар ҳажмини тобора ошириб бориш муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

**Раимқул СУЯРОВ**, **"Туркистон-пресс"**.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Инсон ўз умрини ҳалол меҳнати билан зийнатлайди. У ўқитувчиси, шифокори, ким бўлмасин, касби ва ҳунаридан эл-юртга обрў, эътибор қозонади. Пискент тумани "Бирлик" маҳалласида яшовчи Башорат Олимжоновга ҳовлисида бўлган

кишининг турфа гуллар ифори ва гўзаллигидан кўзлари яшнаб, кайфияти кўтарилди. Мана 35 йилдирки, у гулчилик билан шуғулланиб, кишиларга қувонч улашмоқда. Буни қарангли, гулчилик касбини қайнонасида ўрганган экан.

ГУЛ – КЎНГИЛ ОЙНАСИ



Дастлаб 12 сотихли ер олиб, меҳнат қилди. Бири икки бўлиб, қосаси оқаргач, бир йўла 35 сотих ер майдони олишга қарор қилди. Туман катталарининг эътиборига тушди.

Маълумки, мамлакатимиздаги шаҳарсозликда миллий меъморилик андозалари, ландшафт дизайнининг кенг қўлланилаётгани турфа гуллар, манзарали дарaxтларга бўлган талаб ва эҳтиёж янада оширмоқда. Ҳозирда тадбиркор Тошкент, Олмалик, Бўка, Охангарон, Оққўрғон, Чиноз ва Пискент туманларига гул кўчатлари етказиб бераёпти. Келгусида 1 гектар ерда манзарали, арча ва бошқа кўчатлар етиштириш нияти бор.

Башорат Олимжоновга 14 ишчисининг каму кўстидан доим хабардор. Топганини уларга иланиди. Ойликлар ўз вақтида берилади. Ишчилар ҳам шунга яраша гайрат ва шижоат билан меҳнат қилишади.

– Гўзалликни гулсиз тасаввур этиб бўлмайди, – дейди Башорат опа. – Ҳар қандай киши, айниқас, аёллар учун гулдан яхши совға йўқ. Ёшлигимдан дўстларимга, яқинларимга гул совға қилишни ёқтираман. Гул олган одамнинг кўзидеги

қувонч кўрганда кўнглим яйраб кетади. Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар туфайли кўп йиллик орзум амалга ошди. Бугун

нафақат одамларга, балки турли муассаса ва ташкилотларга, шаҳримизнинг боғ ва хиёбонларига ҳам гул етказиб бераётганимдан бахтиёрман.

Тадбиркорнинг турмуш ўртоғи Равшан Олимжонов энергетик.



Белбоғли кураш

### ВАКИЛЛАРИМИЗ ШОҲСУПАНИ ЗАБТ ЭТИШДИ



Паркентдаги кураш майдонида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган белбоғли кураш бўйича аънаввий республика биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Халқаро белбоғли кураш федерацияси ва Россиялик меҳмонлар, республика Олий Мажлиси депутатлари ва Олий таълим вазирлиги вакиллари кураш майдонида ташриф буюриб, мurosасиз кечган беллашувларни кузатиб бордилар.



Кўргазма

### ТАРИХИЙ ХОТИРА

Жамиятни маънавий юксалтиришда, ўзлини англашда, замон билан ҳамнафас бўлишда, миллий қадриятлар давомийлигида музейларнинг алоҳида ўрни бор.

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бир қатор вазирилик ва идоралар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Музейлар - бий тарихимиз ва бетакор маданиятимиз хазинаси" мавзуидаги ойлик ёш авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Пойтахтдаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси залида ўтказилган матбуот анжуманида "Музейлар ойлари" моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Жумладан, Маданият ва санъат кўргазма залида "Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот" мавзуида экспозиция очилди.

Тадбирда музейлар ва уларнинг фаолияти, маданий ҳаётимиз акс этган китоблар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ.

Ҳаёт сабоқлари

Меҳмонларни кузатиб кирган Дилшода опа ўзи томонга келаётган кизи Дилзодани кўриб: "Бу ёққа кел", дегандек имлади.

Яна келишимди, - деди Дилзода эшик томондан кўз узмай.

Яши одамларга ўхшайди. Айниқса, куда бўлмиш аёл менга ёқди. Гап-сўзлари маънили.

Ойи, қўйинг энди шу гапларни. Икки мартаба кўришиб, дарров ёқтириб қолдингизми?

Кизим, жуда асабий бўлиб қолаётганинг ўзингга ҳам билинганми? Дарров зарда қилсан-а? Сенга қараб юрагим тўкилиб кетяпти.

Халлар олис-олисларда юрган Дилзода: Яна бебахт бўлсам-чи? - деди маънос.

Кизининг мунг билан айтган сўзлари онанинг юрагини тилиб юборди.

Бир хафтадан сўнг Дилзодани икки холаси, уч аммаси, келиноиллари билан жами ўн нафар аёл кўнаникга узатиб келишди.

Беш йил яшаб, фарзанд кўрмай ота уйига қайтиб келган Дилзоданинг бир кун бўлса-да, тинчи йўқ.

Хаммаси мана шу "лекин"дан кейин бошланди. Ориф шахсий манфаатини давлатликдан устун қўйди.

Шундай қилиб, Португалия Ирландиядан сўнг 2009 йилда дефолт хавфига дуч келиб, бироқ, ўзининг молиявий мустақиллигини тиклашга эришган Европа Иттифоқидаги иккинчи мамлакатга айланди, деб ёзади Би-би-си.

Ойжон, энди бизни ташлаб кетмайсизми? - йғи аралаш титраб чиққан овоздан келинчак энтикиб кетди.

Дилзода оёқларидан маҳкам кучоқлаб олган қизалоқ томон аста эгилди-да: "Сени кўраман, жоним!", дея бағрига босди.

Негадир икки-уч кундан бери қулпнап егим келаяпти, - деди Дилзода эрини ишга кузатаётиб.

Келинининг сўзларини эшитган қайнониси бир нима сезгандек жимлайди.

Бир хафтадан сўнг Дилзодани икки холаси, уч аммаси, келиноиллари билан жами ўн нафар аёл кўнаникга узатиб келишди.

Беш йил яшаб, фарзанд кўрмай ота уйига қайтиб келган Дилзоданинг бир кун бўлса-да, тинчи йўқ.

Хаммаси мана шу "лекин"дан кейин бошланди. Ориф шахсий манфаатини давлатликдан устун қўйди.

Хуш келибсиз болам, бу ширин қизчалар - Шоира ва Шаҳзодагонлар энди сизнинг қизларингиз, - қайнонасининг мулоиймлиги билан айтган сўзлари Дилзодани юрагига титроқ солди.

Узоқ ўйлаб бир тўхтамага келди чоғи, Дилзода онасига: - Узинглар биласизлар, - дея жавоб берди.

Кизининг тезда рози бўлишини кутмаган она шошиб қолди.

Ойжон, энди бизни ташлаб кетмайсизми? - йғи аралаш титраб чиққан овоздан келинчак энтикиб кетди.

Дилзода оёқларидан маҳкам кучоқлаб олган қизалоқ томон аста эгилди-да: "Сени кўраман, жоним!", дея бағрига босди.

Негадир икки-уч кундан бери қулпнап егим келаяпти, - деди Дилзода эрини ишга кузатаётиб.

Келинининг сўзларини эшитган қайнониси бир нима сезгандек жимлайди.

Бир хафтадан сўнг Дилзодани икки холаси, уч аммаси, келиноиллари билан жами ўн нафар аёл кўнаникга узатиб келишди.

Беш йил яшаб, фарзанд кўрмай ота уйига қайтиб келган Дилзоданинг бир кун бўлса-да, тинчи йўқ.

Хаммаси мана шу "лекин"дан кейин бошланди. Ориф шахсий манфаатини давлатликдан устун қўйди.



### УЧ ЮЗ КИШИ СУВГА ФАРҚ БЎЛДИ

Жанубий Кореянинг "Севол" пароми ҳалокатга учраб, уч юздан зиёд киши ҳалок бўлган бўис, мамлакатнинг қирғоқ кўриқлаш хизмати тарқатиб юборилмоқда.

нубий Корея полицияси тергов қилиб боради.



Би-би-си агентлигининг ёзишича, "Рохос" жиноий қартели бошлиги Леонор Нава Ромеро одам ўйрлаш ўлдиршида айбланиб, ҳибсга олинди.

### "РОХОС" ҚАРТЕЛИ БОШЛИГИ ҲИБСДА

Мексика ҳукумати эълон қилган хабарда айтилишича, мамлакатнинг жанубидаги Герреро штатида йирик жиноий гуруҳ етакчиси қўлга олинган.

ушбу қартели етакчиси айна пайтда қидирувда бўлган, Мексикадаги энг шов-шувли жиноятчи, АКШга мунтазам қурол-яроғ етказиб бериш билан шуғулланган Гектор Бельтран Лейвининг шериғи эканини таъкидламоқда.

### ИШ ҲИРАНИ КИСКАРТИРИШ ОҚИБАТИ

Европа Иттифоқи ҳамда Халқаро Валюта фонди яқинда Португалияга ташқи ёрдам кўрсатиш дастурини расман тўхтатди.



Шундай қилиб, Португалия Ирландиядан сўнг 2009 йилда дефолт хавфига дуч келиб, бироқ, ўзининг молиявий мустақиллигини тиклашга эришган Европа Иттифоқидаги иккинчи мамлакатга айланди, деб ёзади Би-би-си.

Керак, - деди мамлакат бош вазири Педру Пасуш Коэлью. - Бюджет интизоми бизнинг доимий мажбурия-

тимиз бўлиб қолади".

Гап шундаки, 2011 йилнинг май ойида Португалия Европа Иттифоқи ҳамда Халқаро Валюта фонди билан 78 миллиард евро микдорига тегишдор дастури ҳақида келишган эди.

### СЕРБИЯ ВА БОСНИЯДА СУВ ТОШҚИНИ

Ушбу икки мамлакатда юз берган сув тошқинлари оқибатида 20 дан зиёд киши ҳалок бўлди, деб ёзади Reuters агентлиги.



мушкул. Айна пайтда минглаб кўнгилилар ҳарбийлар, полиция ва ўт ўчирувчилар сафига қўшилиб, Белград ҳамда гарбадаги Шабачи шаҳрида кум тўлдирилган қоллардан иборат дамбалар барпо этишмоқда.

Халок бўлганлар оиласига ёрдам кўрсатилди. Бир қатор йирик амалдорлар ушбу ҳалокат учун масъулиятни ўз зиммаларига олдилар.

### АВТОБУС БИР ЗУМДА ҒИБИ БИТДИ

Колумбиянинг Магдалена департаментининг автобусда ёнган чиққани оқибатида 32 киши ҳалок бўлди. Уларнинг ҳаммаси болалар эди.

Шу ҳақда хабар тарқатган РИА-Новости агентлигининг ёзишича, яна ўнла болалар турли даражада жароҳат олди.

### ПХЕНЬЯНДА УЙ ҚУЛАБ ТУШДИ

Associated Press агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбарияти вакиллари Пхеньянда турароқ биноси қулаб тушгани муносабати билан расмий кечирим сўрашди.



Аввал тарқатилган хабарларда келтирилишича, Пхеньянда қурилиши охирига етказилмаган ўй қулаб тушган. Унинг айрим хоналарига оилалар кўйиб қиришга улгурмаган экан. Бироқ, неча киши ҳалок бўлган ва жабрланган аниқ айтилмапти.

Халок бўлганлар оиласига ёрдам кўрсатилди. Бир қатор йирик амалдорлар ушбу ҳалокат учун масъулиятни ўз зиммаларига олдилар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Рассом хандаси

- Мен учун йўллар доим очик...

Жинойтга жазо муқаррар

### КАНА

Ориф Нурназаров қарийб беш йилдан буён республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Чиноз туман бўлими бошлиги лавозимида бинойидек


ишлаб келаётгани. Унинг хизмат ваифалари маълум жабоа кишиларнинг ноқонуний савдо билан шуғулланишларининг олдини олиш, бундай ҳолат аниқланганда, тезкор чоралар кўриши, қўл остидаги ҳодимларнинг ишини назорат қилишдан иборат эди.

Кунларнинг бирида у тумандаги "Пахта нефть базаси" унитар корхонасининг айрим ноқонуний ишларидан хабар топди.

Хаммаси мана шу "лекин"дан кейин бошланди. Ориф шахсий манфаатини давлатликдан устун қўйди.

дан келадиган мўмай даромад унга мойдек ёқди. Текин пулнинг ҳумори тўтиб, боши гангиб юрган кунларнинг бирида, анкироғи 2013 йилнинг сентябрь ойида "биродар"и Баҳром Сулаймонов билан қўришиб қолди.

Ориф бу билан қаноатланмади. Аксинча, ўз-ўзини



ятсиз битмаслигини, бор имкониятини ишга солиб, "акахонлари"нинг ишини "қийворилишни" айтиди.

Ташкилотнинг бош вазири Ориф Нурназаровнинг қилмиши ҳуқуқ органлари томонидан фожия ҳолатга айланди.

тар корхонаси унинг учун битмас-туғанмас даромад манбаидек туюла бошлади.

Ташкилотнинг бош вазири Ориф Нурназаровнинг қилмиши ҳуқуқ органлари томонидан фожия ҳолатга айланди.

Жинойтчи қилмишига яраша жазосини олди.

Ташкилотнинг бош вазири Ориф Нурназаровнинг қилмиши ҳуқуқ органлари томонидан фожия ҳолатга айланди.

Жинойтчи қилмишига яраша жазосини олди.

Ташкилотнинг бош вазири Ориф Нурназаровнинг қилмиши ҳуқуқ органлари томонидан фожия ҳолатга айланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабутовчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.

Тошкент вилояти Мабутов ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таърифи компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Даврон АҲМЕДОВ Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ